

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини юритишни тугатиш тўғрисида)

2026 йил март ойининг 17 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Оққўрғон туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи, суд раиси С.Т.Исакулов, судья ёрдамчиси С.Нишанбаеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оққўрғон туман прокурори катта ёрдамчиси Ф.Алтмишев, судланувчи Б.Джулматов ва унинг манфаатларини ҳимоя қилаётган “ADVOKAT DUR” адвокатлик фирмаси адвокати М.Хатамов, жабрланувчи Ф.Муратовнинг иштирокида, Джулматов Бахром Амановичга нисбатан 1-1109-2601/71 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Джулматов Бахром Аманович (Djulmatov Bahrom Amanovich), 1977 йил 25 январда Оққўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Тортувли МФЙ, Ёшлик кўчаси, 3-уйда истиқомат қилади, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 24 февраль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган.

Суд, тарафларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини муҳокама қилиб, уларнинг кўрсатувларини тинглаб, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрларини эшитиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Б.Джулматов ўзганинг мулкани алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2025 йил февраль ойи бошида, Оққўрғон тумани, Тортувли МФЙ, Истиқлол кўчаси, 46-уйда яшовчи Муратов Фахриддин Ғиёсовичнинг она-бола сигирини сотишини билиб, унинг хонадонига бориб, она-бола сигирини сотиб олишини билдириб она-бола сигирни 28.000.000 сўмга баҳолаб, пулларини 2025 йил сентябрь ойида беришга ваъда бериб, уни ишонтириб, она-бола сигирини шу йўл билан қўлга киритиб, бир ҳафта ичида сотиб юбориб, пулларини ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юбориб, Ф.Муратовга ваъда берган муддат келганда пулларини турли баҳоналар билан бермасдан, 13.500.000 сўм пулларини бўлиб-бўлиб бериб, қолган 14.500.000 сўм пулларини шу кунга қадар турли баҳоналар билан бермасдан, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Дастлабки тергов органи томонидан Б.Джулматовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинган.

Жабрланувчи Ф.Муратов суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда судланувчи Б.Джулматов билан ихтиёрий



ярашганини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганини, ярашувга ихтиёрий равишда рози бўлганини, ҳозирда Б.Джумлатовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, суддан ярашувни тасдиқлаб, судланувчига нисбатан бўлган жиноят ишини юритишни тугатишни сўради.

Судланувчи Б.Джумлатов суд мажлисида дастлабки тергов даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, унда жабрланувчи Ф.Муратов билан ихтиёрий ярашганини, ўз айбига ихтиёрий иқроп бўлганлигини, ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни бартараф этганини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини, жабрланувчи Ф.Муратов унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, суддан ярашувни тасдиқлаб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини юритишни тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида, шу жумладан 168-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиний жавобгарликдан озод этилиши қайд этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмида жабрланувчи Жиноят кодекси 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақидаги” 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли қарорининг 1-бандида “Ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин бўлган жиноят таркиблари Жиноят кодексининг 66¹-моддасида тугал келтирилган бўлиб, унинг доираси кенгайтириб талқин этилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги қонун ҳамда Пленум қарорлари талабларига риоя қилиб, жабрланувчи судланувчи билан суд мажлисида ярашганлигини, жабрланувчи судга бу ҳақида ариза берганлигини ва аризани ихтиёрий равишда ёзганлигини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини, судланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, суд унга нисбатан жиноят иши бўйича иш юритишни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасининг 4-қисмига кўра, унинг жиноят содир этишда айблилик масаласини ҳал қилмасдан тугатишни;

жабрланувчи Ф.Муратовга Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.



Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган **Джулматов Бахром Аманович** (Djulmatov Bahrom Amanovich)га нисбатан жиноят ишини юритиш ушбу Кодекс 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Ф.Муратовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Б.Джулматовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ажрим устидан тарафлар у чиқарилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг, агар у апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, шу тартибда кассация тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

С.Т.Исакулов

